

Ўзбекистон Республикаси номидан ҲУКМ

2023 йил сентябрь ойининг 15 куни, жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди, ўз биносида очик суд мажлисида, судья О.Сиддиқовнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари Ў.Болтабоев ва В.Зияевлардан иборат хайъатда, судья ёрдамчиси Ж.Кенжаевнинг котиблигида, туман прокурорининг ёрдамчиси М.Умаров қатнашувида, судланувчи Д.Далиев ва унинг ҳимоячиси – адвокат Ф.Валиева, жабрланувчининг қонуний вакили Б.Рахмонова ва унинг вакили адвокат Л.Мадаминовларнинг иштирокида, Далиев Дилмурод Хошимовичга оид 1-1515-2301/130-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Далиев Дилмурод Хошимович, 1987 йил 06 февраль куни Риштон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, санъаткор, муқаддам судланмаган, Риштон туман, Дахбед МФЙ, М.Топволдиев кўчаси, 84-уй, 3-хонадонда яшаган, иш бўйича 2023 йил 24 март куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 2023 йил 23 март кунидан қамоқда, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд хайъати, суд мажлисида судланувчи, жабрланувчининг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафлар музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган далилларни муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Д.Далиев 2023 йил 23 март куни соат 02:00 ларда шаърий никоҳидаги турмуш ўртоғи М.Бўстонова билан оилавий келишмовчилик сабабли ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида турмуш ўртоғини ўлдиришни мақсад қилиб хонадонидаги ошхона мебелининг тортмасидан хўжалик пичоғини олиб, у билан қуролланиб, ётоқхонаси диванида ётган турмуш ўртоғи М.Бўстонова танасининг турли жойларига жами 16 маротаба санчиб, хаёт учун хавфли бўлган тан жароҳатлари етказган. Натижада М.Бўстонова оғир тан жароҳати олиб ҳодиса жойида вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2023 йил 18 апрелдаги 14-сонли ҳулосасида, М.Бўстонованинг ўлимига танани кўп миқдордаги санчилиб кесилган жароҳатлари оқибатида юзага келган жароҳатдан ва ўткир қон йўқотишдан кейинги қарахтлик сабаб бўлганлиги, ўлимни содир вақти



6-8 соат илгари юз берганлиги, М. Бўстоновада кўкрак қафасини ўнг томони, ўнг ёнбош, қорин соҳаларидаги, қорин бўшлиғига тешиб ўтувчи санчилик кесилган яралари, жигар ўнг ва чап бўлагини жароҳатланиши, қорин бўшлиғига қоп тўпланиши, ўнг ёнбош, қорин соҳаси, чап сон, чап елка, чап тирсак бўғими соҳаларидаги тешиб ўтмаган санчилик кесилган яралари, ўлимидан бир неча дақиқалар олдин ўткир санчилик кесувчи жисм таъсирида етказилган бўлиб, бу эксперт ихтиёрига далилий ашё сифатида тақдим қилинган ошхона пичоғи бўлиши мумкинлиги, М.Бўстоновада ияк соҳаси, чап елка, чап сон соҳалари юмшоқ тўқималарини лат уйиши қонталаши ва тирналган жароҳатлари ўлимидан бир неча дақиқалар олдин қаттиқ ўтмас юзаси чегараланган жисм таъсирида етказилган бўлиб, бу жароҳатлар ўлим сабаби билан боғлиқ эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Д.Далиев судда айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам Риштон тумани, Дахбед МФЙ, 84-уй, 3-хонадонда Бўстонова Махлиё билан шаърий никоҳ асосида яшаб келиши, турмуш ўртоғи онасига гап қайтариб, уни беҳурмат қилиб юрганлиги учун 2021 йилдан алоҳида яшаб келишаётгани, турмуш ўртоғи М.Бўстонова билан кўп жанжаллашиб келгани, 2023 йил 1 январь куни ҳам онаси хонадонига меҳмонга келганида Махлиё устидан кулгандек муомала қилганида бундан жаҳлим чиққани, унда кечери сўрашликни талаб қилиб, уни укаси Ойбек, холаси Рано ва онаси Барноларни телефон орқали чақитириб Махлиёни айбини уларга гапиргани, 2023 йил 7 январь куни фарзандли бўлгани, Махлиё ва фарзандини кўргани шифохонага борганида у илиқлик билан кутиб олмагани учун ораларига совуқчилик тушгани, лекин ўртада фарзандлар борлиги учун яхши бўлиб қолар деган умидда яшаб келаётгани, жорий йилнинг 22 март куни соат 22:00 лар чамаси яшаш хонадонига келганида Махлиё кечки овқатни тайёрламагани сабабли ундан нима учун овқат қилмаганини сўрагани, шунда Махлиё касаллигини айтиб, дориларини олиб беришини сўрагани, унга яқинда пул топиб, уни ўтиришдан бўлган қарзини берганини, тўй сезони бошланаётгани, пул топиб албатта уни даволатишини айтганида у нафсониятига тегадиган гапларни, яъни “Сен эркак эмассан, кўчадаги мардикор ҳам сендан яхши” деб ҳақорат қилгани, шу орада Махлиё туман тез ёрдам бўлимига қўнғироқ қилиб уларни чақиргани, сабаби қизи Робияхонни биров тоби қочгани, биров вақт ўтганидан сўнг туман тез ёрдам бўлими ходимлари яшаш хонадонига келиб Робияхонни текшириб кўришиб, уни яхши эканлигини айтишса ҳам Махлиё Робияхонни шифохонага олиб боришини талаб қилгани, унга тез ёрдам бўлими ходимларига Робияхон яхши бўлса, эртага эрталаб уни шифохонага олиб боришини айтгани, сўнг Махлиё яна ҳақорат қилиб уйига ички ишлар ходимларини чақириб боласи касаллиги, эри уни шифохонага олиб боришга қаршилик қилаётганлиги ҳақида ИИБга хабар бергани, ИИБ ходимлари келишганида уларига бир оз вақт олдин тез ёрдам бўлими ходимлари келиб кетишганини, Робияхонни аҳволи яхшилигини, Махлиё қастма-қастига иш қилаётганини, эрталаб қизини шифохонага олиб боришини айтгани, ИИБ ходими Дилмурод эса



жанжал бўлмаслиги учун қизини ҳозир шифохонага олиб боришини айтиб ўтганлиги сабабли Робияхонни аёлга ўраб шифохонага пиёда олиб бориб кўрсатиб келгани, яшаш хонадонига келган вақтимда соат тахминан 01:30 лар бўлиб қолгани, турмуш ўртоғига бўлган ҳолатни айтганида у яна жанжал бошлаб, айтганини қилдиргани, барибир ўзи айтгани бўлгани, яқинлари ва синфдош ўртоқлари олдига бориб шарманда қилишини айтиб ҳақорат қилгани учун ўзини босиб тура олмасдан ошхонага кириб, ошхона пичоғини олиб чиқиб, ётоқхонага кириб борганини эслаши, кейин нима бўлганлигини эслай олмаслиги, ўзига келганида Махлиё қонга беланган ҳолатда диванда ётгани, кейин ўзи “102” га қўнғироқ қилиб турмуш ўртоғини ўлдириб қўйганини айтгани, ҳозирда қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи Д.Далиевнинг ўз айбига иқроф бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари унинг айби, қуйидаги далиллар билан исботланади: Жумладан,

Жабрланувчининг қонуний вакили Б.Рахмонованинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам марҳум Бўстонова Махлиёхон қизи экани, қизи Бўстонова Махлиёхон биринчи турмушидан фарзандли бўлмаганлиги сабабли улар ўзаро ажрашгани, кейинчалик қизи Махлиёни Далиев Дулмуроджонга турмушга бергани, улар шаърий никоҳ асосида турмуш қуришгани, улар ўзаро турмушлари давомида 2 нафар фарзандли бўлишгани, улар дастлаб турмушлари давомида яхши яшаб келишгани, лекин жорий шу йили январь ойи бошларида қизи Махлиёхон хомиладор бўлганида унда “Гепатит С” вируси аниқланганлиги сабабли унда хомиладорлик даври оғир бўлганлиги ҳамда улар билан қайнонаси бирга турганлиги сабабли қизини хомиладорлиги уни қайнонасига ёқмасдан ўзаро бир-бирлари билан тез-тез жанжалашишадиган бўлиб қолишгани, ушбу орада қизи иккинчи фарзандини дунёга келтирганида ҳам куёви Дилмурод уни ёнида турмагани, 2023 йил 22 март куни катта фарзанди Рахмонова Мухайёхон қўнғироқ қилиб, Махлиё турмуш ўртоғи билан уришиб қолганини айтгани учун Махлиёга қўнғироқ қилиб нима бўлганлигини сўраганида у кичик фарзанди қайд қилаётгани, уни эмизиш мумкин эмасли, ушбу ҳолат юзасидан тез ёрдам чақирганидан Д.Далиев шифокорларни хайдаб юборганлигини айтгани, шунда Махлиё фарзандини аҳволи ёмонлигини билдириб, туман ИИБга мурожаат қилганлигини айтиб, куёвини ИИБ ҳодимлари олиб кетишганлигини айтгани, шу орада қизи Махлиёга телефон қилганида уни телефонини бир бегона шахс кўтаргани, ундан қизини сўраганида ҳозирда ИИБ ҳодимлари борлигини айтганида ушбу ҳолатда куёви билан қизини ўзаро жанжаллашиб қолган бўлса ИИБ ҳодимларини чақиргандур деб ўйлаб унга “илтимос уларни мурасага келтириб қўйинглар” деб телефон гўшагини қўйгани, эртаси куни қизи Махлиёни турмуш ўртоғи Д.Далиев пичоқлаб ўлдиргани ҳақида эшитгани, судланувчидан 50.000.000 сўм моддий ва 100.000.000 сўм маънувий зарар ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги;



гувоҳ Д.Ҳайдаровнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам Риштон тумани ИИБ ЖХХ ХПБ Марказ МФЙ профилактика инспектори лавозимида ишлаб келиши, 2023 йил 22 мартдан 23 мартга ўтар кечаси хизмат фаолиятини олиб бораётган вақтида туман ИИБ навбатчилик қисмидан олинган хабарга кўра Риштон тумани, Дахбед МФЙ, М.Топволдиев кўчаси, 84-уй, 3-хонадонда яшовчи Бўтонова Махлиёхонни уйига етиб боришгани, шунда Махлиёхон фарзанди касаллигини, турмуш ўртоғи уни шифохонага олиб боришга қаршилиқ кўрсатаётганини маълум қилгани, ушбу ҳолатни эшитгач, Дилмуродга фарзандини шифохонага олиб бориши кераклигини тушунтирган вақтида Дилмурод фарзанди яхши эканлигини, эрталаб олиб боришини айтгани, шундан сўнг Дилмуродга яна фарзандини шифохонага олиб бориши кераклигини тушунтирганидан сўнг Дилмуродга болани Махлиё адёлга ўраб кўлига тутказгани, Дилмурод боласини шифохонага олиб кетгани, сўнг хизматни давом эттириш учун кетишгани, орадан вақт ўтиб телефон орқали навбатчи билан гаплашган вақтида навбатчи ёрдачиси Дилмурод исмли фуқаро турмуш ўртоғини пичоқлаб қўйганлигини айтгани, хабарни олганидан сўнг шериги Наврўзбек билан бориб, хонадонга кирган вақтида Дилмурод 2 ойлик фарзандини кўтариб олиб, хонадон каридорида турган экани, ундан нима бўлганини сўраб ётоқхонага кирган вақтида диван устида Махлиё қонга беланиб, чап томони билан пастга қараган ҳолатда ётганини кўргани, тезда уни бўйнидаги қон томирини ушлаб, пулсини текширганида юраги урмаётгани, сўнг навбатчилик қисмига ратция орқали чиқиб, тез ёрдам машинаси юборишини сўрагани, орадан 5-10 дақиқа ўтиб тез ёрдам машинаси келиб, шифокорлар ҳам Махлиёни текшириб кўриб, уни вафот этганлигини айтишгани, воқеа жойига тергов-тезкор гуруҳи етиб келиб, ҳужжатларни расмийлаштиргани ҳақидаги;

гувоҳ М.Турсуновнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2016 йил май ойидан буён Дахбед МФЙ раиси лавозимида ишлаб келиши, жорий йилнинг 22 мартдан 23 март ўтар кечаси уйда ухлаб ётган вақтида соат тахминан 01-30 ларда ер қимирлагани, кейин ер қимирлашини тугагини кутиб ўтирганида ИИБ ходими Авазбек телефон қилиб, Хунармадлар кўчаси 84-уй, 4-хонадонга етиб келишини, нохуш хабар бўлганини айтгани, сўнг тезда кийиниб ушбу хонадонга тахминан 10 дақиқа ичида борганида Д.Далиев ётоқхонасида турмуш ўртоғи Бўстонова Махлиёни пичоқлаб улдириб қўйганини кўргани, сўнг Далиев Дилмуроддан нима бўлгани ҳақида сўраганида у ўзи ҳам билмай қолганини, фарзандини орқасидан уришиб кетишганини маълум қилгани ҳақидаги;

гувоҳ К.Далиеванинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам судланувчи Далиев Дилмурод кенжа фарзанди экани, Далиев Дилмуроджон оиласи билан бирга Риштон тумани, Дахбед МФЙ, 84-уй, 3-хонадонда бир ярим йилдан буён яшаб келиши, у марҳум Бўстонов Махлиё билан 2019 йилдан буён шаърий никоҳ асосида яшаб келгани, улар турмушлари давомида 2 нафар фарзандли бўлишгани, охириги маротаба 2023 йилнинг 1 январь куни ўғли Дилмуроддан хабар олиш мақсадида уларнинг хонадонига борган вақтида



улар яна ўзаро жанжаллашишганда уларга насихат қилиб, яшаш хондонига қайтиб келгани, сўнг 2023 йил 23 март куни эрталаб соат 9 ёки 10 ларда катта фарзанди Шавкатжон келиб Дилмурод турмуш ўртоғи Махлиёни пичоқлаб ўлдириб қўйганини эшитгани ҳақидаги;

гувоҳ О.Рахмоновнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам Бўстонова Махлиё опаси бўлиши, опаси Махлиёни 2020 йилда Далиев Дилмуродга турмушга беришгани, у опаси Махлиё иккинчи фарзандини туғмасдан олдин 2022 йил охирларида “Гепатит-С” касаллиги билан оғриб қолгани, кейин қайнонаси “Дилмуродга бу барибир ўлади, бу билан ўрингни ўтказма, бошқа уйлан Махлиёни ота-онаси олиб кетсин” деб айтганини опасидан эшитгани, кейин уларни муросаси ёмонлашиб ўзаро тез-тез жанжаллашиб келишгани ҳақидаги;

гувоҳ Р.Йўлчиеванинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам марҳум Бўстонова Махлиёхон жияни бўлиши, жияни Махлиёхон 2014 йилда Бўстонов Жахонгир билан турмуш киришиб, турмушлари давомида улар фарзандли бўлишмаганлиги сабабли ажрашгани, сўнг Махлиё 2019 йилда Далиев Дилмуродга шаръий никоҳ асосида турмушга чиққани, улар турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлишгани, дастлаб улар яхши яшаб келишгани, жияни Махлиёхон иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлган вақтида “Гепатит С” вируси билан касалланиб қолганидан сўнг Далиев Дилмуродни муносабати ўзгариб қолгани, шундан сўнг Д.Далиевга турмуш ўртоғи Махлиёни жавобини беришини айтганида у турмуш ўртоғини яэши кўришини, у билан ажрашмаслигини билдиргани, кейин 2023 йил 23 март куни Д.Далиев жияни Махлиёни пичоқлар ўлдириб қўйганини эшитгани ҳақидаги;

гувоҳ Н.Эсоналиев ва Х.Тўлагановаларнинг судда сўралган гувоҳ Д.Ҳайдаровнинг кўрсатувларига ўхшаш бир-хил мазмундаги кўрсатувлари билан;

жиноят ишидаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси (ж.и 8-22 варақ),

кўрсатувларни ходиса жойида текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фото иловалар (ж.и 98-107 варақ),

суд-тиббий экспертизаси хулосаси (ж.и 44-49 варақ),

кийимларни олиш ва кўздан кечириш баённомаси (ж.и 138-145 варақ),

судга оид криминалистика экспертизаси хулосаси (ж.и 192-197 варақ), ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Далиевнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг:

1-бандида “Судлар қасддан одам ўлдиришга оид ишларни кўраётганда, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва



холисона текшириш лозимлиги тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт.

2-бандида Ҳар бир иш бўйича айб шакли, қотиллик сабаблари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек, қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши керак.

Шуни эътиборда тутиш лозимки, қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл кўяди (эгри қасд).” деб тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Д.Далиев 2023 йил 23 март куни соат 02:00 ларда шаърий никоҳидаги турмуш ўртоғи М.Бўстонова билан оилавий келишмовчилик сабабли ўзаро жанжаллашиб, жанжал давомида турмуш ўртоғи М.Бўстонова танасининг турли жойларига 16 мартаба пичоқ билан оғир тан жароҳати етказиб, қасддан ўлдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра. Жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб,

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 13-бандида “Маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиги, кадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш), уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмати, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлигининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозим.

Бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган



мулкий ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаш мумкин эмас. Зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик ва оқилоналик талаблари инобатга олиниши лозим (ФКнинг 1022-моддаси)” деб тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Д.Далиевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг шахси, муқаддам судланмаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда жазони умумий тартибли колонияларда ўтаттиришни белгилашни;

Судланувчи Д.Далиевдан жабрланувчининг вакили Б.Рахмонова фойдасига 10.000.000 сўм моддий ва 50.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни;

ашёвий далил сифатида олинган бир дона ошхона пичоғини тегишли тартибда йўқ қилишни;

Бир дона кўрпа, бир дона постел, икки дона ёстиқ, бир дона эркаклар гамажи, бир дона эркаклар футболкаси, судланувчи Д.Далиевнинг яқин қариндошларига қайтаришни;

Бир дона аёллар кўйлаги, бир дона ласина, бир жуфт пайпоқ, бир дона аёллар сийнабанди, бир дона болалар шапкачаси, бир дона аёллар трусиги, бир дона аёллар трикоси, бир дона аёллар соати жабрланувчи М.Бўстонованинг яқин қариндошларига қайтаришни;

Судланувчи Д.Далиеванинг икки нафар вояга етмаган фарзандлари Хошимов Мухамадали Дилмурод ўғли ва Хошимова Робияхон Дилмурод кизи Б.Рахмонованинг қаромоғида қолдиришни;

Бир дона ДВД диск ва ёзма далилларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473–моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Далиев Дилмурод Хошимович Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Далиев Дилмурод Хошимовичга;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасининг 1-қисми билан 12 (ўн икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 23 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Д.Далиевга нисбатан қўлланган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Судланувчи Д.Далиевдан жабрланувчининг вакили Б.Рахмонова



фойдасига 10.000.000 сўм моддий ва 50.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Ашёвий далил деб топилган воқеа жойидан олинган бир дона ошхона пичоғи тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Бир дона кўрпа, бир дона постел, икки дона ёстиқ, бир дона эркаклар гамажи, бир дона эркаклар футболкаси, судланувчи Д.Далиевнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Бир дона аёллар кўйлаги, бир дона ласина, бир жуфт пайпоқ, бир дона аёллар сийнабанди, бир дона болалар шапкачаси, бир дона аёллар трусиги, бир дона аёллар трикоси, бир дона аёллар соати жабрланувчи М.Бўстонованинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Тергов ҳаракатлари тасвирга олинган бир дона ДВД диск ва ёзма далиллар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Судланувчи Д.Далиеванинг икки нафар вояга етмаган фарзандлари Хошимов Мухамадали Дилмурод ўғли ва Хошимова Робияхон Дилмурод кизи Б.Рахмонованинг қаромоғида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчининг вакили ҳукм нусхасини олган кундан йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди орқали Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи (имзо) **О.Сиддиқов**

Халқ маслаҳатчилари: 1. (имзо) **Ў.Болтабоев**
2. (имзо) **В.Зияев**

“Аслига тўғри”
Туман судининг раиси **О.Сиддиқов**

